



**“Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023-йил 11-
сентябр кунги 158-сонли
“Ўзбекистон -2023” стратегияси
ҳақида”ги Фармони юзасидан
тарғибот тадбири ўтказилди**




Жорий йил 11-октябр куни Узун туман адлия бўлимни Юридик хизмат кўрсатиши маркази бошлиғи У.Донияров ҳамда бош юристконсулти Р.Аллаяровлар томонидан Узун тумани "Серҳаракат" маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ва фуқаролари билан "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябр кунги 158-сонли "Ўзбекистон -2023" стратегияси ҳақида"ги Фармони ҳамда ПҚ-300-сонли "Ўзбекистон-2030" стратегиясини 2023-йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тасдиқланган иш режасига асосан навбатдаги тарғибот тадбири ўтказилди.



Ўтказилган тарғибот тадбири давомида, Узун туман адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи И.У.Донияров ва бош юристконсулти Р.Аллајировлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида конституциявий ислоҳотни ҳаётга изчил тадбиқ этиш, халқаро майдонда глобал ва минтақавий муоммаларнинг ечими, иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини янада кучайтириш, минтақадаги иқлим, экология, тероризм, коррупция, миграция, ёшлар масалалари, ҳуқуқ даҳлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, маънавият, камбағаллик каби глобал муаммоларни ҳал этиш борасида халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши ҳақида батафсил тушунчалар бериб ўтишди.





**Узун туман адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш
маркази бош юристконсулти Р.Аллаяров**